ГУЛАГ ЛАГЕРЛАРИДАГИ ЎЗБЕК МАҲБУСЛАРИНИНГ ҚИСМАТИ

Р.Т.Шамсутдинов, Э.Холмирзаев

В научном сообщении на основе достоверных источников прослеживается жизнь, участь заключенных из Средней Азии в лагерях ГУЛАГ.

In the scientific information on the basis of true sources lite and destiny prisoners in Central Asian GULAG camps.

Коммунистик режим қулаб, СССР парчаланиб, совет мустамлакачилиги асоратидан қутулиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтиб, демократик давлат, фуқаролик жамияти қураётган Ўзбекистон халқи ўзининг босиб ўтган ўтмиш тарихини қандай кечган бўлса, шундайлигича ўрганиш имконига эга бўлди. Бутун бир тарихий ҳақиқатни, ҳатто энг оғир, энг фожеали бўлмасин, билиш, англаш керак. Чунки ўтган замонлардаги хатолар ва муваффаққиятсизликларни такрорламаслик учун тарих сабоқ, устоз ролини ўйнайди. Юртбошимиз 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суд мустақиллигини таъминлаш ҳақида тўхталаркан, бу соҳадаги ўтмишнинг аччиқ сабоқларини эслатиб, судни “собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди” [1] деб таъкидладилар. 1999 йил 16 февралда Тошкентда рўй берган фавқулодда мудҳиш ҳодиса муносабати билан сўзлаган нутқида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тарихимизга мурожаат қилиб, бизлар оғир тарихни кўрган халқ, тарихимиз эса ниҳоятда оғир эканлигини таъкидлаб, бу тарих билан фуқароларни, айниқса ёшларни тарбиялаш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Тарихимизнинг ана шундай оғир ва ҳасратли саҳифаларидан бири XX асрнинг 20-30-40- йилларидаги қатағон қурбонла-

ри ва уларнинг совет режимининг ГУЛАГ лагерларидаги аянчли ҳаёти, оғир меҳнат фаолияти, мудҳиш тақдиридир. Бироқ бу мавзу Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихшунослигида ўз ифодасини топмагандир.

Маълумки, қулоққа тортилиб сургун қилинган юртдошларнинг Россия, Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистон, Ўрта Осиёнинг махсус меҳнат посёлкаларидаги, ГУЛАГ, НКВД тизимидаги лагерлардаги фожеали ҳаёти маълум даражада ёритилган. Бундан ташқари беш жилдли "Қатағон қурбонлари" номли китобда ЎзССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги "тройка"си томонидан отувга, 8 йил, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган 15 мингга яқин киши номма-ном аниқланган, улар ҳақида маълумотлар жамланган. Аммо 8-10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган ва СССРдаги ГУЛАГ лагерларига этап қилинган маҳбусларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти, тақдири ўрганилмаган, таҳлил қилинмаган. Ушбу мақола айни шу муаммонинг айрим масалаларини ёритишга қаратилган.

Ўрта Осиёдан, жумладан, Ўзбекистондан СССРдаги мавжуд 52 та лагерларнинг аксариятига маҳбуслар этап қилинган.

Ўша лагерлардаги маҳбусларнинг 1937 йил 1 октябрдаги миллий таркиби ҳақидаги маълумотнинг биринчи қисми бўйича 18304 ўзбек, 1197 қирғиз, 1315 тожик, 2796 туркман, маълумотнинг иккинчи қисми бўйича эса 3273 ўзбек, 843 қирғиз, 318 тожик, 713 туркман бўлган, учинчи қисми бўйича ўзбеклар 21579 нафар, қирғизлар 2050 нафар, тожиклар 1623 нафар, туркманлар 3519 нафар бўлгани қайд қилинган [3.410-417].

1939 йил 1 январдаги маълумотда лагерлардаги маҳбусларнинг миллий таркибида ўзбеклар 23855 нафар, қирғизлар 2489 нафар, тожиклар 4266 нафар, туркманлар 3126 нафар бўлгани кўрсатилган [4.75-76].

1940 йил 1 апрелдаги маълумотда лагерларда 25040 ўзбек, 10858 туркман, 4522 тожик, 2808 қирғиз борлиги қайд этилган [5].

Қарағанда лагерига қарашли Степной лагерида 1954 йил 10 июндаги маълумотда 20698 маҳбусдан 16677 нафари эркак, 4021 нафари аёллар бўлгани қайд қилинган. Унинг таркибидаги ўртаосиёликлардан 204 нафари ўзбек, 291 нафари қозоқ, 76 нафари туркман, 54 нафари тожик, 50 нафари қирғиз бўлган [6.158].

Бу ўртаосиёлик маҳбусларни номма-ном аниқлаш, уларнинг таржимаи ҳоли, турмуши, меҳнат фаолияти, тақдирини ўрганиш Ўзбекистон тарихи кафедраси ҳамда "Мерос" ҳалқаро илмий амалий экспедиция хайрия жамғармасининг навбатдаги тадқиқот йўналишидир. Айни шу масала ҳақида фикр юритамиз.

1937 йил 4 декабрдаги "тройка" йиғилишида Ойим районининг Дардоқ қишлоғидан Шонанбой Сайназаров, Юсуфжон Юнусов, Набир Шарипов, Ислом Худойбердиев, Ўроқбой Қурбонов, Каримжон Отабоев, Эгамберди Хайлақов, Исоқов Мулла Эгамберди, Эргаш Мусаевлар 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилганлар. Шунингдек, Ойим, Тошлоқ, Тожик, Дардоқтепа, Қуртқи, Тўқай, Мукир, Ахтачи, Қушқар, Тешиктош, Кўналён, Қўштепа қишлоқларидан – жами Ойим райони бўйича 43 киши 10 йил муддатга қамоқ жазосига сурган қилинган, улар учун жазо муддати уларни ҳибсга олинган кун, яъни 1937 йил ноябрнинг 27-30 ноябридан бошланиши белгилаб берилган.

Ўша 4 декабрдаги "тройка" йиғилишида Андижон сектори бўйича 104 кишининг ҳар бирига 10 йилдан қамоқ жазоси берилган. "Тройка" ҳукми чиқарилгунга қадар уларнинг барчаси Андижон турмасида ҳибсда сақланган. 1937 йил декабрнинг охиридан бу маҳбуслар қамоқ жазосини ўташ учун ГУЛАГ лагерларига этап қилинади. Уларнинг қайси лагерда бўлганлигини аниқлаш зарур эди. Бунинг учун, аввало, СССР ҳудудидаги лагерлар ва улардаги маҳбусларнинг миллий таркибини аниқлашга тўғри келди. Бунда 2002 йил Москвада нашр этилган тўплам қўл келди [7]. Бу тўпламни тузиб нашрга тайёрлаган Россия Федерацияси Марказий давлат архиви катта илмий ходими А.И.Кокурин (2008 йили вафот этган) билан хат ва телефон орқали суриштирув олиб борилди. Натижада 1937 йил 1 октябригача бўлган маълумотларнинг 1-қисмида СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги лагерлари бўйича 20954 ўзбек маҳбуси бўлгани, уларнинг 1759 нафари Байкал-Амур, 1923 нафари Дмитров, 1531 нафари Волга, 474 нафари Болтиқ, 618 нафари Утил, 993 нафари Тем, 2157 нафари Узоқ Шарқ, 596 нафари Сибирь, 8952 нафари Тошкентдаги Ўрта Осиё лагерларида қамоқ жазосини ўтаётгани аниқланди [7.411-415].

Маълумотноманинг 2-қисмида эса ўзбеклардан 854 киши Қарағанда, 12 киши Прорва, 23 киши Норильск, 1199 киши Вяземк, 69 киши Калуга, 250 киши Сталин темир йўли бекати, 96 киши Жанубий-Шарқий Гавань, 655 киши Шимолий-Шарқий лагерларида бўлгани қайд этилган [7.411-417].

Демак, ўзбек маҳбуслари қайси лагерларда бўлгани ва уларнинг маълум даврдаги миқдори аниқ. У ҳолда Ойим районидан қамоққа ҳукм этилганлар ана шу лагерларнинг қайси бирига келтирилган деган масала билан қизиқиб, махсус архивларнинг биридан ҳукмга тортиган 43 нафар ойимликлардан Эгамберди Хайлақовнинг шахсий ишини топдик. Унда маҳбус Эгамберди Хайлақовнинг 1940 йил 22 февралида Волга лагеридан Москвага, НКВДга йўллаган аризаси бор. Уни айнан келтирамиз:

"НКВДнинг Фарғона вилояти учлигининг 1937 йил ноябридаги қарори билан ЎзССР жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди бўйича 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилганман. Менинг ҳибсга олинишимга қуйидагилар асос қилиб олинган: мен колхозда пахта теримида ишлаётганимда НКВД ходими келиб ҳибсга олди ва Ойим районига жўнатди. Дастлабки терговда гўё мен "Интернационализм" колхозида буғдой етишмаяпти деган ташвиқот тарқатган эканман, бундай айбловга қарши мен ҳеч қачон ташвиқот олиб бормаганман, ўзимни айбдор деб ҳисобламайман ва бундай айбни тан олмайман деб жавоб қилганман.

1934 йили қулоққа тортилган деб айб қўйилган. Аслида 1934 йили қулоққа тортилмаганман, нима сабабдан, нима учун 1934 йили қамоққа ўтқазишгани ҳам менга тушунарсиз, ишнинг тагига етишмасдан менга уч йил қамоқ жазоси беришган ва мен икки йил жазони ўтадим, яхши меҳнатим туфайли муддатидан олдин қамоқдан бўшатилдим. Бундан кейин менга бошқа айб қўйилмаган. Мени Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 66-моддаси, 1-банди билан 10 йил муддатга ҳукм қилганлари ме-

нинг учун мутлақо таниш эмас, менга қўйилган айбни ўқитишмасдан ёзиб қўйилган айбномани имзолашга мажбур қилганлар, бу ишни “Тройка” кўз ўнгимдан ташқарида амаллаган.

Мен ўтмишда ўртаҳол бўлганман, 1879 йили ўртаҳол оилада туғилганман, отам 3 гектар ерга, 1 от, 2 ҳўкизга эга бўлиб, оиласида 3 нафар жон бўлган, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган. Мен эса ярим гектар суғорма ерга, 1 от ва 2 ҳўкизга эга бўлганман. Қарамоғимда 8 жон бўлган. Колхозга киргунга қадар уй хўжалиги билан шуғулланганман ва колхозда ҳалол ишлаганман. Менинг ишларимни барча колхозчилар тасдиқлашлари мумкин.

Ҳозир эса мен йўқ айбим учун Волга қурилишида СССР НКВДсининг Волга лагерида, Ярослав области Малоген участка лагери посёлкасида, Морозикида яхши ишлаяпман, соғлик пайтимда нормани 100 фоиз ва ундан ошириб бажардим. Соғлигим ҳозирги вақтда ёмонлашган, кексалик аломати бўлса керак, соғлигим ночор аҳволда, шифокорлардан иборат комиссия 458-сонли далолатнома билан меҳнат қилишдан озод қилди.

Юқоридаги ҳақиқий аҳволдан келиб чиқиб Ички ишлар халқ коммисарлигидан, Сиздан мен учун номаълум бўлган ишимни қайта кўриб чиқиш бўйича фармойиш беришингизни, бирон бир айби бўлмаган мени қамоқдан озод қилиб, СССР фуқаролар сафига қайтиш ва ўз ватанимга, ўз еримга қайтиб ҳалол меҳнат қилишга имкон беришингизни Сиздан илтимос қиламан. Менинг илтимосимнинг натижаси ҳақида жазо ўтаётган манзилга хабар қилишингизни сўрайман. Илтимос қилувчи маҳбус Хайлақов. 1940 йил 22 февраль.”

Бошқа бир ҳужжатда Э.Хайлақов Андижон турмасидан этап қилиниб, 1938 йил 9 январда Волга меҳнат-тузатув лагерига келтирилгани қайд этилган. Ушбудан келиб чиқиб ойимлик 43 нафар маҳбусларнинг ҳаммаси ҳам айни шу Волга лагерига келтирилган ва улар шу жойда жазо муддатини ўтаганлар деган фикрга келдик. Бу лагерга Андижон шаҳридан этап қилинган маҳбуслар ҳам келтирилгани аниқланди. Улардан Шоҳруҳ Мирзо Холботиров, Саид Эшон Шаҳобиддинов, Каримохун Тоҳировларни кўрсатиш мумкин. Ш.Холботировнинг 1938 йил 16 августда оиласига йўллаган хатида шундай дейилган: “Биз 60 нафар ўзбекларни бугун Рибинск шаҳрининг четида жойлашган “Волгострой” бошқармасига олиб келишди. Волга дарёси бўйидаги Угличдан 100 чақиримча нарида яшамоқдамиз. Посилкани, нон ва новвотни олдим, янги посилка, хатларни янги манзилга жўнатишар. Энди ҳамма нарсани шу манзилга юборинглар.

Соғлигим бироз яхшиланмоқда, пул йўқлигидан жуда ҳам қийналмоқдаман” [8.219].

Волга лагерида тожик миллатига мансуб маҳбуслар ҳам бўлгани маълум бўлди. Масалан, 1886 йил Тожикистонинг Кулоб райони Трикон қишлоғида туғилган Жўра Назаров Волга лагерига келтирилган: 1937 йил 26 июлда лагерда қамоққа олиниб, 9 октябрда отилган, 1956 йили 10 октябрда реабилитация қилинган. Тожикистоннинг Довалин райони Дарой қишлоғида 1886 йил туғилган Ҳақназар Собиров ҳам Волга лагерида жазони ўтаган: 1937 йил 26 декабрда ҳибсга олиниб, 1938 йил 27 мартда отилган, 1957 йил 24 сентябрда реабилитация қилинган [9]. Ўз ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги “Тройка” 1937 йил 4 декабрдаги йиғилишида (НКВД Андижон сектори ходими Наумовнинг маърузаси асосида) Эгамберди Хайлақовнинг 12349-сонли иши бўйича ҳукм чиқаради. Унда айтилишича, Эгамберди Хайлақов Ойим райони Дардоқ қишлоғида яшовчи, 1880 йили туғилган, собиқ қулоқ, қулоққа тортилган, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил муддатга қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган, колхозчилар орасида Совет Иттифоқи шаънига аксилинқилобий иғвогарлик, туҳматчилик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда, яъни ЎзССР жиноят кодексининг 66-моддаси 1-қисми билан айблангани қайд этилган. “Тройка” Э.Хайлақовни 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилишга қарор қилган [10.136].

Ўзбек маҳбуслари Волгадаги Рибинск ва Углич сув иншоотлари қурилишида, ёғоч тайёрлаш билан шуғулланганлар.

Маҳбус Э.Хайлақов 1940 йил 22 февралда лагердан СССР Ички ишлар халқ комиссарилигига шикоят билан мурожат қилган. Бироқ бу шикоят хати Москвадан аввал Фарғона вилоят марказига, сўнгра Андижон округи Ойим районига юборилади. Унда илтимос қанчалик асосли эканини текшириб, натижаси Москвага, Ички ишлар халқ комиссарлигига юборилиши кераклиги айтилган. Бу иш 1940 йил 18 ноябрда Ойим район милиция бошлиғи, давлат хавфсизлиги комитети лейтенанти Искандаровга юклатилади. 1937 йилдаги тергов материаллари қайтадан кўтарилади. Унда Э.Хайлақовни айблашда гувоҳликка ўтганларнинг фикрлари келтирилади. Ўшанда гувоҳлар Маматурди Худойбердиев, Холмирза Юнусовларнинг 1937 йил 1 декабрдаги мана бу кўрсатмалари қайд этилган: “Эгамберди Хайлақов ўтмишда йирик бой бўлган. 1933 йили ўзининг хўжалигида ёлланма меҳнатдан фойдалангани учун қулоқ қилинган, қулоқ сифатида давлат топшириқларини бажаришга қарши турган, 1933 йил қамоқдан қочган ва маълум вақт ўтгач қўлга олиниб, Халқ суди тамонидан 3 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони Тошкентдаги Ўрта Осиё лагерида ўтаган. 1936 йил 24 июлда қамоқдан озод қилинади. Уйга қайтганидан сўнг яна такроран 1937 йил октябрида қамоққа олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган”.

1937 йил октябрь ойида Эгамберди Хайлақов кўчада колхозчилар орасида совет ҳокимияти колхозчиларни хўрламоқда, масхара қилмоқда, зўрлик билан меҳнат қилдирмоқда, колхозларда ғалла, ун йўқ, колхозчилар колхозларда мажбуран ушлаб турилибди, эски ҳокимият вақтида ҳаёт анча яхши эди деб айтгани қайд қилинган.

Холмирза Юнусов: Хайлақов Эгамберди 1933 йили ёлланма меҳнатдан фойдалангани учун қулоққа тортилган.

Бундай айблар тасдиқлангани ҳақида район ижроия комитетидан ва район молия бўлимидан шаҳодатнома олинади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги собиқ “тройка”си 1937 йил 4 декабрда ҳукмни ўз кучида қолдириш, айбланувчи Эгамберди Хайлақовнинг шикоят аризасини рад этишга қарор қилади. Буни Ички ишлар халқ комиссарлиги Ойим бўлимининг бошлиғи, давлат хавф-

Дмитров лагеридаги андижонлик маҳбуслар анкетаси.[11]

Т/Р	Фамилия	Исм	Таржимаи ҳолига оид маълумотлар					Касби	Аввалги жазо муддати	Ҳибсга олинган кун	Ҳукм санаси	Отилган кун	Реабилитация қилинган кун	Дафн жойи
			Туғилган йили	Туғилган жойи	Миллати	Ижтимоий аҳволи	Маълумоти							
1.	Вохидов	Вахобжон	1897	Балиқчи район Чинобод қишлоғи	Ўзбек	Деҳқон-қулоқ	Чаласавод	Деҳқон	1932 йил 10 йил	1938 01.30	1938 02.02	1938 02.05	1990 02.20	Бутов майдони
2.	Ҳолбеков	Абдусаттор	1897	Зеленский (ҳозирги Асака) тумани Қурама қишлоғи	Ўзбек	Қулоқ	Чаласавод	Аниқ эмас	1933 йил 10 йил	1938 03.12	1938 03.19	1938 03.25	1989 06.19	Бутов майдони
3.	Қобулов	Турғунбой	1885	Андижон обла-сти Избоскан райони Қўқон қишлоғи	Ўзбек	Деҳқон	Ўрта маълумоти (миллий)	Мулла	1934 йил 5 йил	1938 01.22	1938 01.26	1938 01.31	1990 01.25	Бутов майдони
4.	Холматов	Темирқул	1907	Афғонистон Жулға қишлоғи	Ўзбек	Камбағал деҳқон	Саводсиз	Пахтачилик билан шуғулланган	1933 йил 10 йил	1938 01.16	1938 02.02	1938 02.05	1990 02.20	Бутов майдони
5.	Шамсиев	Миркомил	1901	Хўжаобод райо-ни Карнайчи қишлоғи	Ўзбек	Деҳқон-қулоқ	Саводсиз	Якка ҳўжалиги бўлиб, ҳизмат қилган	1934 йил 8 йил	1938 03.28	1938 06.05	1938 06.23	1990 02.05	Бутов майдони
6.	Исомов	Ота ш	1908	Хўжаобод райо-ни Найман қишлоғи	Ўзбек	Қулоқ	Саводсиз	Аниқ эмас	1934 йил 8 йил	1938 04.10	1938 06.05	1938 06.20	1990 02.10	Бутов майдони

сизлик комитети кичик лейтенанти Искандаров тасдиқлайди. Бу хат расмий равишда Москвага, НКВДга йўлланади. Натижада Э.Хайлақовнинг шикоят аризаси ижобий ҳал этилмайди.

Дардоқ қишлоғида эса унинг аҳли аёли Ўғилбиби Маматурдиева (1887 йилда туғилган), 5 нафар ўғиллари: Қуронбой (1902), Мананбой (1915), Йўлдош (1907), Нишонбой (1911), Тожимамат (1927) ва икки қизи Дулхон (1900), Хожидахон (1927)лар қолган. Ўйлаймизки, қатағон қурбони Э.Хайлақовнинг авлодлари, яқинлари ҳозирда барҳаёт бўлсалар керак.

Москва ёнидаги Дмитров лагерида ҳам ўртаосиёлик қатағон қилинганлар маҳбуслик азобини тортганлари маълум бўлди. Улар 1933-1937 йилларда Москва-Волга канали қурилишида меҳнат қилганлар, уларнинг кўплари очарчилик, касаллик, оғир меҳнатдан ҳалок бўлганлар, маълум қисми канал қурилганидан сўнг, 1937-1938 йиллардаги "Катта террор"да "тройка"нинг ҳукми билан Бутово қатлгоҳида отиб юборилган. Отилганларнинг 52 нафари ўзбек, 4 нафари тожик, 2 нафари қирғиз, 6 нафари туркман, 2 нафари уйғур ва 1 нафари қорақалпоқ миллатига мансуб эдилар. Улар қаторида андижонликлар ҳам бўлган, улар ҳақидаги маълумотлар жадвалда акс эттирилган.

Қизил империянинг деярли барча меҳнат-тузатув лагерларида ўзбек миллатига мансуб маҳбусларнинг ҳалок бўлганлигини оғир қайғу ва алам билан эслаймиз.

Андижонлик маърифатчи, пахтачилик илми ва амалиётининг моҳир ташкилотчиси Султон Маъсуд Холботировни 1937 йил 13 ноябрда ЎзССР НКВД "тройка"си 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этади. У жазони Амур лагерида ўтади. Адолат бўлишини талаб қилиб лагердан СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига шикоят йўллайди, аммо натижа чиқмайди, 1938 йили ўша Амур лагерида ҳалок бўлади.

Андижон театрининг режиссёри, бетакрор санъаткор Исоқ Қори Каримовни 1937 йил 13 ноябрда "тройка" 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этади. У Узоқ Шарқдаги Колима лагерига этап қилинган. 1941 йил 28 январда ўша жойда, шахтада иш вақтида бош суяги жароҳат еб, натижада миясига қон қуйилиб, ички органларида қон кетиши юз бериб ҳалок бўлган.

Таниқли маърифатчи, олим, мактаблар учун дарсликлар ёзган Ҳусанхон Ниёзов 1942 йил 29 апрелда СССР Олий Суди томонидан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилади, уни узоқ Магаданга этап қилишди. У 1947 йилда шу жойда вафот этади.

Андижон шаҳрининг таниқли зиёлиси, етакчи муаллимларидан бири Боқи Маҳмудий 10 йил қамоқ жазосига тортилиб, жазони Узоқ Шарқ лагерида ўтайди, Шулика турмасида 1939 йил 22 октябрда вафот этади.

Андижон театри директори, шоир, публицист, драматург Расулжон Раҳимов 1937 йил 13 ноябрда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, у Узоқ Шарқ лагерида 1943 йили вафот этган.

Барнаул шаҳридаги Олтой ўлкаси давлат архивининг "Сиёсий сабаблар (Жиноят кодексининг 58-моддаси) бўйича репрессия қилинган шахслар ҳисоби" бўйича маълумотлар базасида ўзбек, қирғиз, уйғур миллатларига мансуб фуқаролар ҳақида ҳужжатли материаллар сақланаётганлиги аниқланди. Масалан, Самарқанддан Иброхим Баҳромов, Абдуҳаким Азимбоев, Суюн Эшмуродов, Эгамқул Юсупов, Ширинқул Мўминовларнинг Олтой ўлкасидаги Славгород, Рубцовск шаҳарларида қурилишда ишлаганлари ва ҳарбий трибунал, ҳарбий суд томонидан такроран қатағон қилинганлари маълум бўлди. Ўрта Осиёдан ГУЛАГ лагерларига этап қилинганлар орасида аёллар ҳам бўлган. Атиги иккита мисол келтирамиз.

Бутун Фарғона водийси миллий истиқлолчилар қўмондони Шермуҳаммадбек 1922 йил охирида ўз аскарларининг бир қисми билан Афғонистонга ўтиб кетганидан 20 йил ўтиб, унинг аёли Солияхон Мансурова ва амакиси Нормат Ҳолиқовлар Шермуҳаммадбекнинг олдига, Афғонистонга ўтмоқчи бўлганларида, уларнинг ҳар иккиси чегарачилар томонидан қўлга олинади.

1937 йил 7 декабрда "тройка" томонидан улар 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинадилар. Солияхон Мансурова Фарғонанинг Тошлоқ ройони Бектепа қишлоғида, амакиси Нормат Ҳолиқов эса Тошлоқ райони Терактаги қишлоғида яшаётган эдилар [10.259]. Улар Вятка лагерига этап қилинади. Ўзбек аёли Солияхон Мансурова ўша бегона юртда қолиб кетди.

Қозоғистондаги АЛЖИР (Акмолинский лагерь жен изменников Родины – Ватан хоинлари аёлларининг Акмолинскдаги лагери) концлагерида қатағон қилинганларнинг аёллари қамоқ жазосини ўтаганлар. Ҳозирда Қозоғистоннинг Акмолинск вилояти Целиноград райони Малиновка қишлоғида АЛЖИРга бағишланган улкан хотира музейи мавжуд. Қора мармарга "АЛЖИР" қурбонларининг номлари битилган. Хотира мажмуасидан ўзбекистонлик маҳбус аёллардан Тожихон Аҳмедова, З.И.Абдуллаева, Ҳалима Йўлдошбоева, Амина Иброҳимова, Раҳбар Шермуҳаммедова, К.И.Абдуллаева, С.Муротова, А.Г.Абдусалимова, Б.Ҳакимова, С.Хўжаева, Ҳ.Ҳакимова, С.Ҳолиқова, Л.Ҳасановалар номлари ҳам жой олган [12].

Сибирь лагерида 1941 йили жами 63646 маҳбус бўлиб, улар қишлоқ ва ўрмон хўжалигида, саноатда, меҳнат-тузатув колониялари қисмларида меҳнат қилганлар. Бундан ташқари, бу лагердаги маҳбуслар, жумладан, аёллар лагерлар маҳбуслари учун, 1940 йилдан эса қизил армия учун кийим-кечак тикканлар.

Узоқ Шарқ қурилиши лагери ҳудуди жиҳатидан Франциядан тўрт марта катта бўлган. Унда 1939 йил 1 январдаги маълумот бўйича 64497 маҳбус бўлган. Шу лагерда (1937 йил 1 октябр) 2151 ўзбек, 753 туркман, 20 тожик маҳбус бўлган.

Лагердагилар олтин қазиб олиш, тайёрлаш билан машғул бўлганлар. 1938-1942 йилларда уларнинг меҳнати билан 315 тонна олтин тайёрланган. 1937 йилдан саноат учун қалай топиш ва тайёрлаш бошланган.

Маҳбуслар меҳнати билан учта қалай кўпайтириш фабрикаси қурилган, металл тайёрлаш 1940 йилда 1917 тоннагача етган. Лагердагилар ўн йил ичида 3100 километрлик йўл, ўнлаб кон ва шахталар қурганлар. Калим ва Индгирка ўртасида дарё параходчилиги яратилган, саноат районларини Шимолий денгиз йўли билан боғлаш амалга оширилган [13].

Ўрта Осиё республикаларининг ўзида ҳам катта миқдорда маҳбуслар бўлиб, улар ҳам пахтачилик совхозларида пахта етиштириб совет иқтисодиётини яратишга катта ҳисса қўшганлар. 1938 йил 1 январдаги маълумотда Ўзбекистон ССРда 19853, Туркманистонда 8131, Тожикистонда 5462, Қирғизис-

тонда 6346 маҳбус колония ва турмаларда жазо муддатини ўтаб, социалистик иқтисодиётни барпо этиш борасида меҳнат қилганлар.

Шундай қилиб қатағон қилинган ўртаосиёлик маҳбуслар ГУЛАГ тизимидаги барча лагерларда бўлганлар ва улар мислсиз оғир, даҳшатли шароитда кун кўриб, тинка-мадорни қуритадиган меҳнат билан машғул бўлганлар. Умуман, ўртаосиёлик маҳбусларнинг савет режими шароитидаги аҳволи, турмуши, меҳнат фаолияти, қисмати, ҳозирги тарихшунослигимизда ўрганилиши лозим бўлган муҳим илмий муаммолардандир.

Адабиётлар:

1.Халқ сўзи.- 2010.- 13 ноябрь.
2.Халқ сўзи.- 2001.- 2 май.
3.Россия. XX века Документы. ГУЛАГ (Главное управление лагерей) 1918-1960. Составители: А.И.Кокурин И Н.В. Петров. Научный редактор В.Н.Шостаковский.- М., 2002
4.ИСТОРИЯ СТАЛИНСКОГО ГУЛАГА. Конец 1920–х - первая половина 1950-х годов. Население ГУЛАГА: численность и условия содержания. Том 4.- М.: РОССПЭН, 2004
5.http://eurochek.ru/euro/ugolovnoyepravatwo/ugolovno-ispolnitel'noe_pravo_6.html
6.Алланиёзов Т. Наймужина О. Неповиновение надо пресечь. Документы. Факты. Суждения.- Алматы: Фонд XX века, 2004
7.ГУЛАГ (Главное управление лагерей) 1918-1960. Составители: А.И.Кокурин и Н.В. Петров. Научный редактор В.Н.Шостановский. - М., 2002
8.Шамсутдинов Рустамбек. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар.- Т.:Шарқ, 2001
9. http://memorial.yaroslavl.ru/data/sp_wolgolag.htm
10. Репрессия. 1937-1938 гг. документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана.1937 год, декабрь. – Т.: Шарқ, 2008
11.Россия Федерацияси давлат архиви (ГАРФ) 10035-фонд, 1-рўйхат, иш № П-73572, П-73743, П-73612, П-70320, П-73265, П-73915, П-73227, П-73891, П-73310, П-73918, П-73838; КНИГА ПАМЯТИ ЖЕРТВ ПОЛИТИЧЕСКИХ РЕПРЕССИЙ. Бутовский полигон 1937-1938 г.- М., 1999-2003 (В семи выпусках); Тарихнинг хасратли саҳифалари.- Т.: Шарқ, 2006
12.Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати.- Т.: Шарқ, 2009
13. Папков С.А. Сталинский террор в Сибири. 1928-1941.- Новосибирск: Издательство Сибирского отделения РАН, 1997; Лагерная система. http://www.memorial.krsk.ru/Articles/1997Papkov/0.htm

Андижон давлат университети
2010 йил 13 январда қабул қилинган